

**МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ТИЗМИДА  
ИСЛОҲОТЛАР****Ҳасанов Шарофиддин Шамшурович**Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ташкилий-штаб фаолияти кафедраси  
доцент в,б falsafa fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD)<https://doi.org/10.5281/zenodo.7544712>

**Аннотация.** Мақолада маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги мамлакат қонунчилигини такомиллаштириш масалалари, ички ишлар органларининг маъмурий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан боғлиқ муаммолар, амалдаги миллий қонунчиликнинг таҳлили кўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** қонунийлик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси, маъмурий жавобгарлик, маъмурий-ҳуқуқий фаолият, ички ишлар органлари, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 5005-сонли «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Фармонида ички ишлар органлари (ИИО) фаолиятини такомиллаштириш жараёнига қуйдагича таъриф бердилар: «Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустақамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди»[1,].

Маъмурий қонунчилик тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган маъмурий жазоларни қайта кўриб чиқиш, жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда[2, б. 264].

Ўзбекистон Республикаси 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Сўнгги беш йиллик ислоҳотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги етти устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш

бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Жумладан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини ташкил этиш асослари ҳудудларни ривожлантириш суръатларини пасайтирувчи, жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминламаяпти. Бундан ташқари айрим ижро этувчи ҳокимият органларига юклатилган вазифаларнинг декларатив хусусиятга эгаллиги, уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги, вазифаларнинг такрорланиши ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатларининг мавжудлиги амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда ва бошқа муаммоли ҳолатлари.

Кўрсатиб ўтилган тизимли муаммоларни бартараф этиш, инновацион ривожланишнинг замонавий умумжаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадга Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси қабул қилиниб уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди.

Қуйидагилар давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича маъмурий ислохотларнинг асосий йўналишлари ва вазифалари сифатида ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш белгиланди.

Охирги беш йил давр мобайнида мамлакатимизда маъмурий қонунчилик соҳасида амалга оширилган ислохотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятларни олдини олиш, уларни декриминализация қилиш тизимини шакллантириш билан боғлиқ долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди.

Амалдаги жиноят, жиноят-процессуал ва маъмуний жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида йилдан-йилга либераллаштирилиб, уларда қонунийликни таъминлашга хизмат қиладиган кўплаб нормалар ўз ифодасини топди. Хусусан, мазкур қонунлар нормаларига риоя қилишни мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буларни биз жиноят процессуал муносабатларда ярашув, амнистия, аф этиш, хусусий айблов ҳамда Жиноят кодекси Махсус қисмидаги рағбатлантирувчи нормаларнинг сонини кўпайиб боришида ҳам кўришимиз мумкин. Лекин, либераллаштиришнинг мазкур оғишмаси маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда ўзининг ифодасини тўла топмай келмоқда. Жиноий қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилиги жиҳатдан маъмурий ҳуқуқбузарликка нисбатан оғир бўлиб, ушбу қилмиш учун белгиланган жазоларнинг қўлланилиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларнинг таъсир этиш доираси ҳам, маъмурий жавобгарлик натижасида келиб чиқадиган оқибатлардан кескин фарқ қилади.

Маълумки, фаолиятнинг ушбу соҳаси ИИО ҳуқуқни қўллаш амалиётининг энг муҳим шартларидан бири бўлиб қолмоқда ва инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида демократик ҳуқуқий давлатнинг стратегик вазифалари билан бевосита боғлиқдир. Таъкидлаш жоизки, қонунийлик юридик фан ва амалиётнинг функционал категорияси ҳисобланади. Шу боис, маъмурий қонунийлик генезиси ва бугунги кунда

мавжуд бўлган илмий қарашлардан келиб чиқиб, ушбу категорияларга нисбатан замонавий илғор концепцияларни қўшимча таҳлил қилиш ва исботлаш муҳимдир.

Кўпчилик олимлар маъмурий қонунийликга ижтимоий муносабат иштирокчиларининг қонун талаблари қоидаларга риоя қилиши сифатида қарадилар[3, б. 27].

Темур тузукларида ҳам қонунийликнинг асосий принциплари эслатиб ўтилган: қонуннинг устунлиги, ягоналиги, қонунийлик ва мақсадга мувофиқликнинг бири-бирига қарши қўйишга йўл қўйилмаслиги, қонунийлик ва маданиятнинг ўзаро алоқадорлиги, қонунийликнинг бузилиши устидан жавобгарлик ўрнатилиши. Амир Темур қудратли ва марказлашган давлат ташкил этиш билан чекланиб қолмай, унинг тузилишини ҳам қатъий белгилаб берди, қонунларини жорий этди. Темурнинг қўйидаги ҳикматлари эътиборга лойиқ: «Ҳақиқат – соғлиқ, ҳақиқат – тартиб, ҳақиқат – адолат»; «Камар – белда, яхши сўз тилда» (яъни сўз билан иш бир бўлиши керак); «Инсонпарварлик ва мардлик оллоҳ билан бир қаторда халқ томонидан ҳам шарафланади»[4,б.217].

Мазкур ғоялар маъмурий қонунийлик ҳақида юридик фанда мавжуд бўлган муайян асосларни ташкил этади. Бироқ ушбу масала бўйича ягона қарашга эришилмаган ҳамда қонунийлик тушунчасига нисбатан турли фикрлар мавжуд. Айниқса, бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими, ва хусусан, жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажарувчи ИИО фаолиятига тааллуқлидир. Агар келтирилган таърифларни бирхиллаштирадиган бўлсак, у ҳолда юридик тушунча каби қонунийликнинг кўпқиррали ва турли-туман таърифларини бир нечта асосий вариантларга келтириш мумкин.

Кўпчилик олимлар ва амалиётчи ходимлар ИИО фаолиятида маъмурий қонунийлик деганда, унинг маъмурий норматив ҳужжатларда кўрсатилган қоидаларга қатъий ва оғишмай риоя қилиш ва бажариш, деб таърифлайдилар. Мазкур таъриф ИИО фаолиятида қонунийликнинг муҳим қирралари ва хусусиятларини акс эттиради[5, б.25].

Маъмурий қонунийликнинг ҳуқуқий нормаларга ёки бундай нормалар тизимига қатъий риоя қилиш ёхуд ижро этиш принципи ҳамда талаблари сингари тушунча ҳам тарқалган. Хусусан, А.Ф. Ефремов қонунийлик принципини жорий этиш муаммолари ҳақида тўхталиб ўтар экан шундай деб қайд этади: «қонунийлик, қачонки ҳуқуқ мавжуд бўлса, шунда у ижтимоий ҳамда соф юридик ҳодиса сингари мавжуд бўлади. Қонунийликнинг мазмуни қонунлар мазмунига боғлиқ бўлади ва унга риоя этилиши қонунийликни билдиради»[6, б.12]. Ушбу таъриф қонунийликнинг муҳим томонларини акс эттиради, унинг асосий аҳамияти ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида белгиланган ва бевосита кўрсатилган бўлиб, унга кўра: «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади». Шундай қилиб, қонунийлик давлат, унинг органлари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар фаолиятида конституциявий принцип даражасида мустаҳкамлаб қўйилди.

Юқоридаги илмий хулосаларга асосланиб, амалдаги Маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги кодексини шахснинг диспозитив ҳуқуқларини кенгайтиришга хизмат

қиладиган қуйидаги институтлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ. Жумладан, маъмурий ҳуқуқий муносабатларга хусусий айблов институтини кенг киритиш мақсадга мувофиқ. Мазкур институтнинг моҳияти шундан иборатки, содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик агар бевосита жабрланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаталарини бузилиши билан боғлиқ бўлса, ишни юритиш ва айбдорни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш, бевосита жабр кўрган шахснинг хоҳишидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади. Айнан мазкур йўл Конституциямиз нормаларини маъмурий процессуал муносабатларда ўзининг кенг ифодасини топишига ҳамда шахсларнинг ҳуқуқий мавқеини янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги нормаларни такомиллаштириш бўйича юқорида берган таклифимизнинг ижобий томонларини қуйидагиларда кўришимиз мумкин. Жумладан, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 2-моддасида назарда тутилган вазифаларни янада тезроқ ва тўлиқ бажарилишига хизмат қилади; жабрланувчи билан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўртасида вужудга келган низоли вазиятни тегишли ҳуқуқий чораларини қўлламасдан ҳал қилиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида жамиятимизда шахслар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган янги зиддиятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади; содир этилган ҳуқуқбузарликларни авалло З.М. Охунов ва Ш.Х. Қушбоқов такидлаганидек, ижтимоий ҳодиса сифатида тушуниш, унинг ҳақиқий сабабларини ижтимоий, иқтисодий, психологик, тиббий ва педагогик муаммолар тизимидан излаш[7] ва ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зарарни тез ва энг муҳими тўлиқ қопланилишига хизмат қилади; маъмурий-процессуал муносабатларни янада эркинлаштирилишига ҳамда шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминланишига хизмат қилади; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ўз айбига иқрор бўлишига ва шу йўл билан уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарликни қисқа вақт оралиғида, ортиқча куч сарфламасдан очилишига хизмат қилади. Бу эса маъмурий ишларни кўриш ваколатига эга бўлган органларнинг фаолиятини янада самарали ташкил этилишига катта ёрдам беради. Энг муҳими, фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Шундай қилиб, қайд этиш лозимки, қабул қилиниши кутилаётган янги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланишининг муҳим кафолатларидан бири бўлиши билан бирга, уни қўлловчи органлар фаолиятини янада самарали ташкил этиш учун хизмат қилиши лозим. Бунинг учун эса, қонунда ўз ифодасини топадиган ҳар бир институтни қўллаш шартлари ва процессуал тартиби аниқ белгиланган бўлиши зарур.

### References:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда
2. Бекетов О.И. и др.. Административная деятельность органов внутренних дел. Часть Общая: Учебник. - М.: ЦОКР МВД России, 2009. – 264 с.

3. Пушкарев Е. А. Законность и ее гарантии в системе обеспечения прав и свобод человека и гражданина в деятельности органов внутренних дел (теоретико-правовой аспект): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2003 – 26 с.; Разуваева Н.И. Подбор и аттестация кадров органов внутренних дел (административно-правовые и организационные аспекты): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Воронеж, 2014 – 27 с.
4. Боймирзаева Р. Х., Ахмедова Х. Уложение Темура – великий политико-правовой источник // Молодой ученый. – 2017. – №43. – С. 217-220. – URL <https://moluch.ru/archive/177/46185/> (дата обращения: 26.02.2020).
5. Воропаев Д. А. Усмотрение и справедливость правоприменительного решения в деятельности органов внутренних дел (теоретико-правовой аспект): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Минск, 2016. – 25 с.; Капустина И. Ю. Административно-правовые средства обеспечения законности и дисциплины службы в органах внутренних дел: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2009 – 24 с. и др.
6. Ефремов А. Ф. Теоретические и практические проблемы реализации принципов законности в российском государстве: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Саратов, 2001. – С.12.
7. Охунов З., Қушбоқов Ш. ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.